



... (Placeholder text for the first paragraph)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас Ибн Молик розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қўй қўраларида намоз ўқийверар эдилар.

... (Placeholder text for the second paragraph)

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қўй қўраларида намоз ўқийверинглар, туя қўраларида намоз ўқиманглар», дедилар.

... (Placeholder text for the third paragraph)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жундаб розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам вафот этишларидан беш кун аввал шундай деяётганларини эшитдим дейди: «Мен сизлардан биронтангизни халил – яъни, ўта яқин дўст тута олмайман, чунки



Ислом Нури

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳис-саломни халил тутганидек, мени ҳам ўзига халил тутди. Агар ер юзида бирон одамни ўзимга халил тутганимда Абу Бакрни халил тутган бўлар эдим. Огоҳ бўлингларки, сизлардан аввалгилар ўз пайғамбарларининг ва солиҳ кишиларининг қабрларини масжидлар қилиб олишди. Қабрларни масжид қилиб олишдан эҳтиёт бўлинглар, мен сизларни бундан қайтараман.»

«...» : «...»

Имом Абу Довуд ва имом Термизий Абу Саъид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ҳаммом ва қабристондан ташқари ер юзининг ҳаммаси масжиддир», дедилар.

Шарҳ:

Ер юзининг ҳамма жойи мусулмонлар учун пок ва намозга яроқлидир. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг бу умматга бўлган раҳматидан. Мусулмон киши намоз вақти кирганида қаерда бўлмасин, намозини адо қилиб кетаверади. Аммо шариатимиз баъзи сабабларга кўра айрим ўринларда намоз ўқишдан қайтарган. Мисол учун, қабристонларда намоз ўқиш ширкка олиб борадиган воситалардан. Туяларнинг қўралари жин-шайтонлар макони ёки туя бефаросат ҳайвон бўлганидан намоз ўқувчига халақит бериши ёки унинг намозини бузиб юбориши мумкин, ҳаммомлар эса најосатдан ва авратларни очишдан холи бўлмаган ўринлар бўлгани учун улардан намоз ўқиш мумкин эмас. Қўйхоналарда намоз ўқишга рухсат берилганини эшитган пайтда бизлардан биттамыз бугунги кунимиздаги сингари 2×3 метрли



қўйхоналарни тасаввур қилмасин, балки тоғ-адирлардаги қўйхоналарни тасаввур қилсин. Ана шунда тўғри бўлади. Олимлар бунинг ҳикмати ҳақида кўп гапирганлар, улардан биттасини келтиришни ўринли деб билдик. Туя муайян жойга чўкиб дам олишга одатланган бўлади, агар у ерда бирон киши намоз ўқиётган бўлса, туя унинг устига келиб чўкиб ҳалиги одамни ўлдириб қўйиши ҳам мумкин, ундай бўлмаган тақдирда унинг намозини бузади, чунки унда риоя қилиш деган нарса йўқ. Аммо қўйнинг табиати юмошоқ бўлганидан бирон унинг жойини эгаллаб турган бўлса у то жойини бўшатмагунча унга бирон зиён-захмат етказмайди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Туялар ётадиган қўраларда намоз ўқиш бўлмайди.
2. Қўй қўраларида намоз ўқиш жоиз.
3. Қабристонларда намоз ўқиш мумкин эмас, улар устига масжид ҳам солинмайди.
4. Ҳаммомда намоз ўқиш бўлмайди.